

## БЮДЖЕТДАН ТАШҚАРИ ПЕНСИЯ ЖАМҒАРМАЛАРИДА ХАРАЖАТЛАР ҲИСОБИ ВА ҲИСОБОТИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ МАСАЛАЛАРИ

**Нурманов Дин-Ахмед Тилеубаевич**  
Тошкент давлат иқтисодиёт университети

**Аннотация.** Мазкур мақолада бюджетдан ташқари пенсия жамғармаларида пенсия ва нафақаларнинг турлари бўйича тўлаш харажатлари ҳисоби ҳамда ҳисоботини такомиллаштириш масалалари тадқиқ этилган. Таҳлилий изланишлар натижасида бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботи тизимини ҳалқаро стандартларга трансформация қилишга қаратилган илмий таклиф ва амалий тавсиялар ишлаб чиқилган.

**Ключевые слова:** пенсия жамғармалари, пенсия ва нафақалар, харажат счетлари, счетлар режаси, ҳисобот шакллари, эскириши ва амортизация.

## ВОПРОСЫ СОВЕРШЕНСТВОВАНИЯ УЧЕТА И ОТЧЕТНОСТИ РАСХОДОВ ВО ВНЕБЮДЖЕТНЫХ ПЕНСИОННЫХ ФОНДАХ

**Нурманов Дин-Ахмед Тилеубаевич**  
Ташкентский государственный экономический университет

**Аннотация.** В данной статье исследованы вопросы совершенствования учета и отчетности расходов по выплате пенсий и пособий по видам во внебюджетных пенсионных фондах. В результате аналитических исследований разработаны научные предложения и практические рекомендации по трансформацию системы учета и отчетности на международные стандарты бухгалтерского учета.

**Ключевые слова:** пенсионные фонды, пенсии и пособия, счета расходов, план счетов, формы отчетности, износ и амортизация.

## ISSUES OF IMPROVING ACCOUNTING AND REPORTING OF EXPENSES IN OFF-BUDGETARY PENSION FUNDS

**Nurmanov Din-Axmed Tileubayevich**  
Tashkent State University of Economics

**Abstract.** This article examines the issues of improving the accounting and reporting of expenses for the payment of pensions and benefits by type in extra-budgetary pension funds. As a result of analytical research, scientific proposals and practical recommendations for transforming the accounting and reporting system to international accounting standards have been developed.

**Key words:** pension funds, pensions and allowances, expense accounts, plan of accounts, reporting forms, depreciation and amortization.

### **Кириш.**

Мамлакатимизда аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш ва моддий қўллаб-қувватлашга қаратилган изчил ислоҳотлар амалга оширилмоқда. Шу билан бирга, ушбу йўналишдаги амалий ишларнинг хуқуқий асосини ташкил этувчи норматив-хуқуқий ҳужжатларни тизимлаштириш ва бир-бирини такрорловчи нормаларни бартараф этиш зарурати туғилмоқда.

Мазкур ислоҳотларнинг асоси бўлиб, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги «2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида» Фармони ҳисобланади (Фармон, 2022).

Миллий қонунчилик базасининг тизимлигини таъминлаш, ундаги ортиқча ва ўз хуқуқий аҳамиятини йўқотган норматив-хуқуқий ҳужжатларни бекор қилиш, соҳага замонавий ахборот технологияларини янада кенг жорий этиш орқали давлат хизматларини кўрсатиш сифати янги босқичларга олиб чиқилмоқда (Қарор, 2023).

Республикамизда 2023 йил 1 март ҳолатига пенсия жамғармаси тизимида пенсия олувчиларнинг турлари бўйича умумий сони 3 793 418 кишини ва бир ойда талаб қилинадиган маблағ миқдори 4 056 953,7 млн. сўмни ташкил этган. Шундан ёшга доир пенсия олувчилар сони 3 143 506 киши ва бир ойда талаб қилинадиган маблағ миқдори 3 396 835,9 млн. сўм, ногиронлик пенсия олувчилар сони 421 731 киши ва бир ойда талаб қилинадиган маблағ миқдори 450 725 млн. сўм, боқувчисини йўқотганлик пенсияси олувчилар сони 228 181 киши ва бир ойда талаб қилинадиган маблағ миқдори 209 392,9 млн. сўм эканлиги кузатилади<sup>146</sup>.

### **Адабиётлар шарҳи.**

Евropa статистика ташкилоти башоратига кўра, кейинги 50 йил давомида Евropa мамлакатлари аҳолисининг қариши кузатилиб, бунда Чехия аҳолиси ёши янада тез суръатлар билан ўсиши тахмин қилинади. Евropa Иттифоқи таркибидаги Чехия Республикаси пенсия тизимида уч бўғин: давлат, жамғариладиган ва хусусий пенсия фондларидан иборат. Пенсия миқдори асосий миқдор ҳамда даромад ва иш стажидан шаклланади. Чехияда мажбурий сугурта бадаллари тўловчилар 8,5 млн. киши бўлиб, улардан 5 млн. нафари ёлланма ишчи ва хусусий тадбиркорлар ташкил этади (Рахмонов, 2022).

Карлсон (2003) Пенсияларнинг жорий етилиши болаларнинг ўзларининг кексалик ёшига қўйган сармояси сифатида иқтисодий аҳамиятини йўққа чиқарди ва иқтисодий фойда бўлмаган тақдирда одамлар харажатларни минималлаштириш учун атайин иложи борича камроқ фарзандларни дунёга келтиришни бошлайдилар деб такидлаб ўтишган.

Ўзгармас таъминотли пенсия режаларини таклиф этмайдиган иш берувчиларнинг бухгалтерия балансларида профицит риски (бадалларнинг мажбуриятлардан ортиб кетиш эҳтимоли) кузатилмайди ва ишчининг нафақа режасига ўтказиб бориладиган ўтказмалар, одатда, ўзгармас хусусиятга эга бўлади. Мазкур иш берувчилар қайтим ставкалари паст бўлган вақтда пенсия харажатларининг ўсиб кетишига дуч келмайдилар ва шу билан биргаликда, даромадлилик даражаси юқори бўлган бир даврда пенсия харажатларининг одатдагидан ортган суммасини ишлаб олиш имкониятини бой берадилар (Рахмонов, 2022).

Иқтисодий ривожланишда НПФнинг муҳим ўрни нафақат қўшимча пенсия таъминоти соҳасида хизмат кўрсатиш, балки тадбиркорлик субъектлари ва аҳолининг эркин молиявий ресурсларини қайта тақсимлаб, иқтисодиёт реал секторининг инвестицион эҳтиёжларини қондиришdir (Юрьева, 2015).

<sup>146</sup> Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасининг расмий сайти. <https://pfru.uz/>

Таъкидлаш жоизки, пенсия жамғармалари бўйича стандартларни ишлаб чиқиш давлат хизматларини кўрсатиш учун зарур бўлган моддий ва меҳнат ресурсларини аниқ белгилаш ва алоҳида фойдаланувчиларга хизматлар кўрсатиш учун зарур бўлган харажатлар ҳажмини аниқ белгилаш орқали давлат хизматлари самарадорлигини ошириш воситаси сифатида қаралмоқда (Сереброва, 2022).

Иқтисодчи олим Новикова (2015) шундай ёзади: “Нодавлат пенсия жамғармаси харажатлари таркибининг муҳим хусусияти шундаки, уларда асосий воситаларнинг эскиришини мавжуд эмаслиги ҳисобланади. Нодавлат пенсия жамғармаларида асосий воситалар учун амортизация ажратмалари ҳисобланмайди. Жамғарманинг асосий фондлари бўйича амортизация ҳисоблаш балансдан ташқари 010-“Асосий воситаларнинг амортизацияси” ҳисобда акс эттирилади”.

Юқоридаги фикрларга қўшилган ҳолда шуни таъкидламоқчимизки, республикамизда фаолият юритаётган бюджетдан ташқари пенсия жамғармалари иқтисодиёт ва молия вазирлиги балансидаги биноларда жойлашганлиги сабабли амортизация ажратмалари қилинмайди.

### **Тадқиқот методологияси.**

Тадқиқот жараёнида, аввало, умумий методологик асос сифатида диалектика, умумилмий методлардан: илмий тафаккур, анализ ва синтез, индукция ва дедукция, абстракт-мантиқий фикрлаш, аналогия, қиёслаш каби назарий методлар; кузатиш, таққослаш, каби эмпирик методлар қўлланилди.

### **Таҳлил ва натижалар мұхоказаси.**

Ўзбекистоннинг ижтимоий таъминот тизимида пенсия ва нафақалар тўлаш миқдори ва ҳажми йилдан йилга ўсиб бормоқда. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 17 ноябрдаги “Иш ҳақи, пенсиялар ва нафақалар миқдорини ошириш тўғрисида”ги Фармонига биноан аҳоли турмуш даражасини оширишга қаратилган чора-тадбирлар қўламини кенгайтириш, фуқароларнинг даромадларини изчил ошириб бориш сиёсатини давом эттириш ҳамда уларнинг ижтимоий мұхофазасини кучайтириш мақсадида 2023 йил 1 декабрдан бошлаб бюджет ташкилотлари ходимларининг иш ҳақи, пенсиялар ва нафақалар миқдори 7 фоиз ва базавий ҳисоблаш миқдори 3 фоизга оширилди (Фармон, 2023).

Мамлакатимизда бюджетдан ташқари пенсия жамғармаси томонидан 2015-2023 йилларда янги тайинланган пенсия ва нафақалар динамикаси тўғрисидаги таҳлилий маълумот 1-жадвалда акс эттирилган.

### **1-жадвал**

#### **Пенсия жамғармасининг туман (шаҳар) бўлимлари томонидан 2015-2023 йиллар январь-февраль ойларида янги тайинланган пенсия ва нафақалар сони тўғрисида таҳлилий маълумот<sup>147</sup>**

№	Йиллар	Январь			Февраль		
		Жами	шундан:		Жами	шундан:	
			пенсия	нафақа		пенсия	нафақа
1.	2015	13 629	11442	2187	16 577	13960	2617
2.	2016	18 652	16226	2426	20 188	17295	2893
3.	2017	21 203	17900	3303	24 669	20467	4202
4.	2018	26 029	22084	3945	27 200	22 679	4521
5.	2019	28 433	23835	4598	28 599	23 752	4 847
6.	2020	26 316	21626	4690	31 388	25 620	5 768
7.	2021	27 561	22197	5364	28 351	22 139	6 212
8.	2022	29 991	24010	5981	31 538	24 480	7 058
9.	2023	33 609	22724	10885	25 218	20 800	4 418

<sup>147</sup> Бюджетдан ташқари пенсия жамғармаси маълумотлари асосида муаллиф ишланмаси

Жадвалнинг кўрсатишича, 2015 йилга нисбатан жами янги тайинланган пенсия ва нафақалар сони 2023 йилнинг январь ойида 2,5 бараварга ўсган. Шу даврларнинг февраль ойида эса 1,5 бараварга ошганлигини қузатамиз.

Ҳозирги кунда республикамизда пенсия ва нафақаларнинг қуйидаги турлари қўлланилмоқда:

- ёшга доир нафақа;
- болалиқдан ногиронлиги бўлган фарзанди бор (бўлган) оналарга ёшга доир нафақа;
- I ва II гуруҳ ногиронлиги бўлган шахсларга ногиронлик нафақаси;
- боқувчисини йўқотганлик нафақаси;
- ОИВ инфекциясига чалинган ҳамда 18 ёшгача ногиронлиги бўлган болаларга нафақа;
- 18 ёшдан катта I ва II гуруҳ ногиронлиги болалиқдан бўлган шахсларга нафақа;
- парваришлиш нафақаси.

Юқоридаги пенсия ва нафақаларнинг турлари бўйича пенсия жамғармалари бухгалтерия бўлимида харажатларнинг аналитик ва синтетик ҳисоби ташкил этилади. 2021 йилдан буён пенсия жамғармаларининг бухгалтерия ҳисоби марказлаштирилган ҳолда Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятлар пенсия жамғармаларида юритилмоқда. Ҳисоб жараёнларида бюджет ташкилотлари учун маҳсус ишлаб чиқилган “UzASBO” дастурининг 2-версияси қўлланилмоқда.

Республикамизда фаолият юритаётган Бюджетдан ташқари пенсия жамғармаларида харажатлар ҳисоби Ўзбекистон Республикаси молия вазирининг 2010 йил 22 декабрдаги “Бюджет ташкилотларида бухгалтерия ҳисоби тўғрисидаги йўриқномани тасдиқлаш ҳақида”ги 2169-сон буйруғига биноан амалга оширилади (Буйруқ, 2010).

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг 2022 йил 29 декабрдаги 06/03-16-/21-сон хатига биноан Ўзбекистон Республикаси Молия вазирининг 2018 йил 10 сентябрдаги 125-сон буйруғи билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси бюджет ҳисобининг стандарти (2-сонли БХС) «Ягона счёtlar режаси»ни (рўйхат рақами 3078, 20 октябрь 2018 йил) 2023 йилнинг 1 январидан УзАСБО дастурий мажмуасига жорий этилди<sup>148</sup>.

Мазкур кўрсатмага мувофиқ бюджет ташкилотларининг, шу жумладан бюджетдан ташқари пенсия жамғармаларининг 2022 йил учун барча йиллик ҳисоботлари бухгалтерия ҳисобининг амалдаги тартиби бўйича (ўзгаришсиз) тузилиши ва тақдим қилиниши белгилаб қўйилган.

2023 йилнинг 1 январидан бошлаб бухгалтерия ҳисобини юритиш ва бухгалтерия ҳисоботларини тузиш ҳамда тақдим этиш бюджет ҳисобининг стандарти (2-сонли БХС) «Ягона счёtlar режаси» ва бошқа норматив-ҳукуқий ҳужжатлар бўйича УзАСБО дастурий мажмуасининг янгиланган версияси асосида амалга оширилмоқда.

Мазкур бюджет ҳисобининг стандарти (2-сонли БХС) «Ягона счёtlar режаси»нинг амалга киритилиши натижасида бюджет ҳисоби ва ҳисоботи тизимидағи ходимлар олдида муайян ташкилий муаммолар пайдо бўлаётганлиги қузатилмоқда. Мутасадди вазирликлар томонидан янги ва амалдаги счетлар режаси бўйича ўзаро Мувофиқлик жадвали, шунингдек, бюджет ташкилотларида бухгалтерия ҳисобининг счетлар режаси бўйича субсчетлар корреспонденцияси ишлаб чиқилди (2-жадвал).

<sup>148</sup> Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг 2022 йил 29 декабрдаги 06/03-16-/21-сон хатига 1-илова “Янги ва амалдаги счетлар режаси бўйича ўзаро Мувофиқлик жадвали”.

## 2-жадвал

**Бюджетдан ташқари пенсия жамғармаларида харажатларни ҳисобга  
олиш учун тавсия этилган счетларни амалдаги ва янги счетлар режаси  
бўйича солиштирма таснифи<sup>149</sup>**

Амалдаги бюджет ташкилотларида бухгалтерия ҳисобининг СЧЕТЛАР РЕЖАСИ			Ўзбекистон Республикаси Бюджет ҳисобининг стандарти ЯГОНА СЧЕТЛАР РЕЖАСИ		
Счёт рақами	Субсчёт рақами	Субсчётларнинг номи	Бўлим	Кичик бўлим	Субсчётларнинг номи
09	091	Товар-моддий захираларга бошқа харажатлар	170	000	Товар-моддий захираларга харажатлар
	090	Товар (иш, хизмат)ларга харажатлар	180	000	Товарларга (ишларга, хизматларга) харажатлар
20	201	Асосий воситалар ва бошқа активлар реализацияси	911	000	Номолиявий активлар реализацияси
21	210	Тақсимланадиган харажатлар	912	100	Тақсимланмаган харажатлар
	211	Давр харажатлари	912	200	Давр харажатлари
23	231	Бюджет маблағлари бўйича ҳақиқий харажатлар	710	000	Бюджет маблағларидан ҳисобланган ҳақиқий харажатлар
	232	Бюджетдан молиялаштириш	503	000	Бюджетдан молиялаштириш
24	241	Тўловларнинг маҳсус турларига доир ҳисоб-китоблар бўйича маблағлар ҳисобига амалга оширилган ҳақиқий харажатлар	720	000	Тўловларнинг маҳсус турларига доир ҳисоб-китоблар бўйича маблағлар ҳисобига амалга оширилган ҳақиқий харажатлар
25	251	Таълим муассасаларида ўқитишининг тўлов-контракт шаклидан тушган тушумлар ҳисобидан амалга оширилган ҳақиқий харажатлар	730	000	Таълим муассасаларида ўқитишининг тўлов-контракт шаклидан тушган тушумлар ҳисобидан амалга оширилган ҳақиқий харажатлар
26	261	Бюджет ташкилотини ривожлантириш жамғармаси маблағлари ҳисобидан амалга оширилган ҳақиқий харажатлар	741	000	Бюджет ташкилотини ривожлантириш жамғармаси маблағлари ҳисобидан амалга оширилган ҳақиқий харажатлар
			742	000	Тиббиёт ташкилотларининг моддий рағбатлантириш ва ривожлантириш жамғармаси маблағлари ҳисобидан амалга оширилган ҳақиқий харажатлар
27	271	Бошқа даромадлар бўйича ҳақиқий харажатлар	750	000	Бошқа даромадлар бўйича ҳақиқий харажатлар

<sup>149</sup> Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг 2022 йил 29 декабрдаги 06/03-16-/21-сон хати 1-иловаси асосида муаллиф ишланмаси

Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва молия вазирининг 2023 йил 27 июнданги 45-сон “Ўзбекистон Республикаси Бюджет ҳисобининг стандарти (2-сонли БХС) «Ягона счёtlар режаси»га ўзгариши ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги буйруғига биноан ушбу бюджет ҳисоби стандартининг амал қилиш доираси ғазначилик хизмати бўлинмалари, иқтисодиёт ва молия органлари, давлат ва бошқа мақсадли жамғармаларини тақсимловчи органлар, барча бюджет ташкилотларига фаолиятини қамраб олиши белгилаб қўйилди. Мазкур ўзгариши ва қўшимчаларга мувофиқ бир неча моддалардаги «бошқа мажбурий тўловлар» деган сўзлар «йиғимлар» деган сўз билан алмаштирилди (Буйрук, 2023).

### 3-жадвал

#### Қорақалпоғистон Республикаси Бюджетдан ташкари пенсия жамгармаси бошқармасининг 2021 йил 1 январь ҳолатига харажатлар сметаси ижроси бўйича ҳисоботи таҳлили, минг сўм<sup>150</sup>

Харажатларнинг тури	Тасдиқланган (аниқлаштирилган) режа	Ҳисобот даврида молиялаштирилган	Касса харажатлари, ҳаммаси	Ҳақиқий харажатлар, ҳаммаси
1	2	3	4	5
Иш ҳақи	784 611,0	761 703,8	761 703,8	765 425,7
Вақтингчалик меҳнат қобилиятини йўқотганлик нафақаси		22 906,6	22 906,6	22 127,5
I-гурӯҳ “Иш ҳақи ва унга тengлаштирилган тўловлар”	784 611,0	784 610,3	784 610,3	787 553,2
Ижтимоий эҳтиёжлар учун ажратмалар / бадаллар	158 084,0	158 083,7	158 083,7	159 443,2
Ягона ижтимоий тўлов	157 729,0	157 728,7	157 728,7	159 088,2
Ижтимоий эҳтиёжлар учун бошқа ажратмалар / бадаллар	355,0	355,0	355,0	355,0
Товарлар ва хизматлар бўйича харажатлар	48 946,0		48 945,0	48 130,1
Сафар харажатлари	4 256,7		4 256,7	4 256,7
Сақлаш ва жорий таъмирлаш харажатлари	5 248,5		5 248,5	5 248,5
Моддий айланма захираларнинг харажати	22 513,6		22 513,6	22 503,4
Товар ва хизматлар хариди учун бошқа харажатлар	16 927,2		16 926,2	16 121,5
Телефон, телекоммуникация ва ахборот хизматлари	12 464,0		12 464,0	11 659,3
Шу жумладан, товар ва хизматлар хариди учун бошқа харажатлар	4 463,2		4 462,2	4 462,2
Асосий воситалар бўйича харажатлар				40 448,8
Электрон давлат харидларида иштирок этиш учун гаров тўлови харажатлари	100,0		100,0	100,0
IV-гурӯҳ “Бошқа харажатлар”	49 046,0	49 045,0	49 045,0	88 678,9
<b>Ҳаммаси</b>	<b>991 741,0</b>	<b>991 739,0</b>	<b>991 739,0</b>	<b>1 035 675,4</b>

<sup>150</sup> Қорақалпоғистон Республикаси Бюджетдан ташкари пенсия жамғармаси бошқармасининг харажатлар сметаси ижроси бўйича ҳисоботи (2-шакл) маълумотлари асосида муаллиф ишланмаси

Жадвал маълумотларининг кўрсатишича, таҳлил қилинаётган даврда бюджетдан ташқари пенсия жамғармасининг харажатлар сметаси бўйича ҳисоботи (2-шакл) республикамиздаги бошқа бюджет ташкилотлари ҳисббот шаклига мос бўлиб, унинг горизонтал кесимида тасдиқланган (аниқлаштирилган) режа, ҳисббот даврида молиялаштирилган, касса харажатлари ҳаммаси ва ҳақиқий харажатлар ҳаммаси ўз аксини топган. Бюджет харажатлари классификаторига мувофиқ харажатларнинг турлари асосан учта гуруҳ бўйича тақсимланган. Бошқарманинг 2021 йил 1 январь ҳолатига харажатлари жамиси тасдиқланган (аниқлаштирилган) режа бўйича 991 741,0 минг сўм, ҳисббот даврида молиялаштирилган 991 739,0 минг сўм, касса харажатлари ҳаммаси 991 739,0 минг сўм ва ҳақиқий харажатлар ҳаммаси 1 035 675,4 минг сўмни ташкил этган. Демак, жамғарманинг ҳақиқий харажатлари тасдиқланган (аниқлаштирилган) режадан 43 934,4 минг сўмга ошиқча ижро этилганлиги смета харажатлари ижросини мустаҳкамлаш лозимлигини кўрсатмоқда.

### **Хулоса ва таклифлар.**

Бюджетдан ташқари пенсия жамғармаларида харажатлар ҳисби ва ҳисботовини такомиллаштириш бўйича ўтказилган тадқиқотлар натижасида қўйидаги хулосаларга келинди:

1. Республикаизда фаолият юритаётган пенсия жамғармаларининг ҳисоб тизимини халқаро стандартлар талабларига мослаштириш мақсадида ягона счетлар режасини қўллаш бўйича услубий кўрсатмалар ишлаб чиқиш зарур деб ҳисблаймиз.

2. Бюджетдан ташқари пенсия жамғармаларида қўлланилаётган УзАСБО дастури билан банклар, суғурта компаниялари ва хўжалик субъектлари томонидан фойдаланилаётган турли комп’ютер дастурларини ўзаро мувофиқлаштириш ахборот-таҳлил жараёнларининг самарадорлигини оширишга хизмат қиласади.

3. Мамлакатимизда нодавлат ташкилотларининг ривожланига кенг имкониятлар яратилаётган шароитда жамғармалар амалиётидаги харажатлар ҳисби ва ҳисботови регистрларини идентификациялаш ва унификациялаш мақсадга мувофиқдир. Хусусан, пенсия жамғармалари смета харажатлари таркибида капитал қўйилмалар харажатларини алоҳида гуруҳ сифатида акс эттириш нодавлат пенсия жамғармаларининг шаклланиши ва соғлом рақобатнинг қучайишига имконият яратади.

### **Адабиётлар / Литература/Reference:**

Буйруқ (2010) Ўзбекистон Республикаси молия вазирининг 2010 йил 22 декабрдаги “Бюджет ташкилотларида бухгалтерия ҳисби тўғрисидаги йўриқномани тасдиқлаш ҳақида”ги 2169-сон буйруғи. <https://lex.uz/docs/1714689>

Буйруқ (2023) Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва молия вазирининг 2023 йил 27 июндаги 45-сон “Ўзбекистон Республикаси Бюджет ҳисобининг стандарти (2-сонли БХС) «Ягона счёtlар режаси»га ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги буйруғи (Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2023 йил 14 июлда рўйхатдан ўтказилган, рўйхат рақами 3078-3). <https://lex.uz/ru/docs/6533213>

Карлсон, Аллан. (2003) Общество - семья - личность: социальный кризис Америки : Амер. шк. альтернатив. социологии / Аллан Карлсон ; Пер. с англ. под ред. [и с предисл.] А. И. Антонова. - Москва : Грааль, - 284, [3] с.: портр.; 21 см. - (Социальная мысль Запада).; ISBN 5-94688-031-4 (В пер.): 1000.

Қарор (2023) Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2023 йил 19 сентябрдаги “Вазирлар Маҳкамасининг «Давлат пенсияларини тайинлаш ва тўлаш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида» 2022 йил 13 октябрдаги 592-сон қарорига фуқароларнинг пенсия таъминотига оид миллий қонунчилик хужжатларини тизимлаштириш, соҳага замонавий ахборот технологияларини янада кенг жорий

этишга қаратилган ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш, шунингдек, ҳуқуматнинг айрим қарорларини ўз кучини йўқотган деб ҳисоблаш тўғрисида"ги 481-сон қарори.  
<https://lex.uz/ru/docs/6613424>

Новикова Н. (2015) Особенности учета доходов и расходов негосударственного пенсионного фонда. Бухгалтерский учет в бюджетных и некоммерческих организациях. 7 (367).

Рахмонов Н. (2022) Мехнат фаолияти давомида жамғарилган маблағлардан инвестиция сифатида фойдаланишинг пенсия тизимига таъсири. *Moliya va Bank ishi Jurnalı* 3, 153-159.

Рахмонов Н. (2022) Пенсия таъминотида иш стажини ҳисобга олишининг истиқболли йўналишлар таҳлили. *Scientific Journal of "International Finance & Accounting"* Issue 6, December. ISSN: 2181-1016.

Сереброва Н. (2022) Совершенствование бюджетного учета и внутреннего аудита в пенсионном фонде РФ. "Экономика и социум" №11(102)-2 [www.iupr.ru](http://www.iupr.ru)

Фармон (2022) Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги «2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида» ПФ-60-сон Фармони. <https://lex.uz/docs/5841063>

Фармон (2023) Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 17 ноябрдаги "Иш ҳақи, пенсиялар ва нафақалар миқдорини ошириш тўғрисида"ги ПФ-196-сон фармони. <https://lex.uz/docs/6665682>

Юрьева И. (2015) "Совершенствование системы управления размещением собственных средств негосударственных пенсионных фондов": Азимут научных исследований: экономика и управление. Москва, № 3 (12).